Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: 550228276560

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: xo‘jalik shartnomasi

2. Loyihaning nomi: budjet tashkilotlariga telekommunikatsiya xizmatlari ko‘rsatilishi to‘g‘risida abonent shartnomasi

“Operator” “Uzbektelekom” AK Qashqadaryo filiali bilan “Abonent” Qamashi tumani tibbiyot birlashmasi o‘rtasida 4 499 999,90 (to‘rt million to‘rt yuz to‘qson to‘qqiz ming to‘qqiz yuz to‘qson to‘qqiz - to‘qson) so‘m(tiyin)ni “telekommunikatsiya xizmatlari ko‘rsatilishi to‘g‘risida” gi 2022 yil 14 yanvardagi 55-sonli shartnoma loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Qamashi tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **N.Xurramov**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| ОПЕРАТОР: | АБОНЕНТ: |
|---|---|
| **"Ўзбектелеком" АК**<br>**Қашқадарё филиали**<br>Манзил: Кашкадарё вилояти Қамаши шахар Камаши куча 98 уй<br><br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 2021 0000 7040 7483 8361<br>СТИР: 203 366 731<br>МФО: 00401; АТБ "Алокабанк"<br>Тел: 1155 Call маркази, 75 532-48-53 ;<br>E-mail: qashtel@uztelecom.uz, qashmerketing@uztelecom.uz ; | Қамаши Т.Т.Б<br>Манзил: Қамаши шахри Фаровон кўча-28 уй<br><br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 10002286010220707310105 4008<br>СТИР: 200680510;<br>МФО: 00014; Банк номи: марказий банк;<br>Тел: ;<br>E-mail: ; |
| **Оператор номидан:**<br>**Директор** ____________ **А.Бердимуродов**<br>/имзо/<br>м.ў. | **Абонент номидан:**<br>Д. Тиашев ____________ **Ф.И.Ш.**<br>/имзо/<br>м.п. |

QAMASHI
TELEKOMMUNIKATSIYA
BOG'LAMASI

2022 йил “ 14 ” 01

54 –сонли абонент шартномасига
1–илова

<u>**Кўрсатиладиган хизматлар**</u>

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

**Ўлчовбирлиги - Миллий валюта (сўм)**

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚС билан нархи (миқдори) | Асос | Миқдори | 15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **I. Бир марталик тўловлар** | | | | |
| 1.2 | Ҳар бир уланиш нуқтаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (FTTx технологияси бўйича) | 80000 | Нархнома | 1 | 80000 |
| | **II. Ҳар ойлик абонент тўловлари** | | | | |
| 2.1 | Ойлик тулов Интернет тармоғига 98222,22 Мб/с тезликда уланиш учун Абонент тўлови | 4419999,90 | Нархнома | 1 | 4419999,90 |
| | Жами (олдиндан тўлов) | | | | 4499999,90 |

Жами олдиндан тўлов миқдори 4419999,90 (тўрт миллион тўрт юз ўн тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз сўм - 90 тийин) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори ________ (________________________) сўм сўмни ташкил этади. Ундан ________ (________________________) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда 80000 (саксон минг) сўм бир маротабалик FTTx технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

**ОПЕРАТОР:**
**“Ўзбектелеком” АК**
**Қашқадарё филиали**

**АБОНЕНТ:**
Қамаши ТТБ

**Оператор номидан:**

Директор ________________
/имзо/
м.ў.

QAMASHI TELEKOMMUNIKATSIYA BOG'LAMASI

**Абонент номидан:**

________________
/имзо/
м.ў.